

**ОТА-ОНАЛАРНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДАГИ БИЛИМ
ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАҲАЛЛАНИНГ ЎРНИ**

Турабоева Феруза Кушмат қизи
Ижтимоий иш йўналиши талабаси
Фарғона давлат университети

Аннотация: Ушбу мақолада маҳалланинг оила билан ҳамкорлиги, болаларни тарбиясида ота ва оналар томонидан амалга ошириш керак бўлган айрим тавсиялар берилган. Бундан ташқари, оилада ота-оналар ўз ўқувчи-фарзандлари билан таълим ва тарбиявий ишларини олиб боришларида эътибор беришлари керак бўлган масалалар кўриб ўтилган.

Калит сўзлар: маҳалла, мустаҳкам оила, ота-она, ёшлар, маънавий тарбия.

Мустаҳкам оилани шакллантириш, оилавий барқарорликни таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда фақатгина ёшлар дунёқарашини шакллантириш билан чекланиб қолмасдан, балки катталар, ота-оналар орасида ҳам турли хил ташвиқот ва тарғибот ишларини амалга ошириш, ота-оналарнинг оилани бошқариш бобида саводхонлигини ошириш ҳам долзарб масала хисобланади. Хўш, бу йўналишда олиб борилиши зарур бўлган амалий ишлар самарали бўлиши учун қай тарзда ва қаерда олиб борилиши керак деган ўринли савол туғилади. Мустаҳкам ва бахтли оила қуришга йигит-қизларни илк ёшлиқдан тайёрлаш, оила муҳитида ҳамда барча таълим бўғинларида бу ишларни босқичма-босқич изчил давом эттириш мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар истиқболга қаратилганлигини кўрсатади. Мақсад пок ниятли, жисмонан бақувват, соғлом, интеллектуал салоҳияти юксак, ҳар томонлама етук, миллатпарвар, оилапарвар, ватанпарвар ёшларни вояга етказиш экан, бу борада оиланинг барча имкониятларидан тўла ва ўринли фойдаланишни билишимиз, бу йўлдаги самарали механизмларни қўллашимиз лозим бўлади.

Оилалар маҳаллаларда жамланган. Ҳозирда мамлакатимизда 10 мингга яқин маҳаллалар фаолият олиб бормоқда. Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан маҳалла институтини кенг қамровли ислохотлар асосида ривожлантириш, ҳуқуқий мақомини юксалтириш ва ваколатларини ошириш борасида бир қатор амалий ва самарасини берувчи чор-тадбирлар амалга оширилди. Маҳалладаги оилаларда фарзандлар тарбияландилар. Маҳалла фуқаролар йиғинларида оилада маънавий тарбияни ривожлантиришга қаратилган бир қатор режали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айнан шундай тадбирларни таъминлашда қуйидаги ишларни амалга ошириш ўзининг самарали натижасини бериши мумкин:

- ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш ва маърузалар билан иштирок этиш;

- фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан ишлаш, маҳаллада турли салбий (жиноятчилик, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар, нотинч оилалар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш) ҳолатларининг олдини олиш;

- оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбияси илмини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом психологик муҳитни таъминлаш, оилаларда оила аъзоларининг ўз соғлиғи тўғрисида қайғуриш туйғусини шакллантириш ҳамда ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш;

- маҳаллаларда “Мустаҳкам оила” ғоясига путур етказадиган турли омилларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

Оила ва маҳаллада соғлом муҳит мавжуд бўлгандагина, уларда ҳар томонлама соғлом, баркамол инсон шаклланади. Шунинг учун ҳам юртимизда оила ва никоҳ давлат ҳимояси остига олинган ва унинг маънавий-тарбиявий имкониятларини оширишга шахсан Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилган. Ёш авлоднинг муносиб камолга етиши учун кураш ҳар бир онгли инсоннинг муҳим вазифаси, у аҳоли тинчлиги, осойишталигини таъминловчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшлар тарбияси, хусусан, жисмонан бақувват, ақлан соғлом, умуминсоний маданият даражаси юқори, замонавий билим ва касбга эга бўлган келажак авлодни вояга етказишда маҳалланинг тутган муҳим ўрни ўзгачадир. Инсоннинг оилада шаклланган ва маҳаллада сайқал топган иймон-эътиқоди, одоби, орияти ва виждони, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ манфаатлари, ўзаро иноқлик ва ҳамкорлик ҳис-туйғулари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларинининг шаклланишига олиб келади.

Биз азал-азалдан ўзи емаса ҳам фарзандига едирган, ўзи киймаса ҳам фарзандига кийдириб келган, улар учун жонини ҳам аямаган халқмиз. Ота-оналаримиз бизга шундай қилишган, биз фарзандларимизга шундай қиламиз. Бунда авлод-аждодлар силсиласида ҳеч кимнинг ҳеч кимга ҳаққи кетмайди. Бу бизнинг буюк маънавий меросимиз, бугунги қадриятимиз, эртанги хазинамиздир. Баъзи ноқобил ота-оналару оқибатсиз фарзандлар ҳеч қачон миллатимиз қиёфасини белгилай олган эмас. Аёлларимизнинг илму фан, санъат ва адабиёт, иқтисодиёт ва маданият, умуман, жамият ривожигаги улкан хиссасини заррача камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, аёлнинг оила ва жамият учун фаолиятида ҳеч бир нарса фарзанд тарбияси ўрнини боса олмайди. Донишмандлардан бири айтган экан, ҳар бир улуғ инсоннинг ортида аёл

бордир, деб. Ушбу нақлда аввало оналар назарда тутилган. Фарзандлари яхши тарбия кўрган оиланинг жамиятда мавқеи баланд бўлади.

Маҳалланинг ҳаётимиздаги тарбияловчи вазифаси шу қадар сезиларлики, охирги пайтларда “маҳалла” ва “тарбия” тушунчалари ёнма-ён ишлатиладиган бўлган. Зеро, “тарбия” тушунчасининг асл маъноси, бу – инсоннинг ўзи ва ўз хулқи ҳақидаги тасаввурининг тўғри ва холис бўлишини таъминловчи мураккаб жараён бўлиб, у бевосита уни ўраб турган инсонлардан, оила аъзолари, маҳалладошлари, ёр-дўстларидан айри тушунилмайди. Психологик адабиётларда “Дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман” деган қоида бор. Худди шундай, бизда “Маҳаллангни айт – кимлигингни билиб оламан” қабилида фикрлар мавжуд. Яъни, маҳалла ҳамиша фуқароларининг хулқ-атвори, оилаларнинг яшаш тарзидан хабардор бўлади, керак бўлса хулқига яхшигина таъсир кўрсата олади.

Мен ўзимнинг педагогик тажрибамдан келиб чиқиб, ота-оналарнинг ўз фарзандларини тарбиялашда таълим муассасаси, маҳалла билан ҳамкорликда қуйидагиларни эътиборга олиш керак:

1-4 синфларда:

- ўқувчилар ташқи кўриниши, орасталигига эътибор бериш;
- синф хонаси тозалигига эътибор бериш;
- ўқувчилар кўллари, тирноқлари тозалигини текшириш;
- дарслар орасида 5 минутлик бадантарбия машғулотлари ўтказиш;
- кун тартибига риоя қилиш бўйича тарғибот қилиш;
- ҳожатхонанинг тозалигига риоя қилиш;
- грипп эпидемияси вақтида ниқоб (маска) тақиб юриш аҳамияти ҳақида эслатиш ҳамда назорат қилиш;
- “Менинг уйим – энг тоза хонадон” мавзусида расм чизиш танловини ўтказиш;

5 –7 синфларда:

- шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;
- уй –жой, синф, ўқув хонаси, кўча, ўз хонасини доимий равишда озода ва орасталигини таъминлаш борасида тушунтириш олиб бориш;
- ҳар хил юқумли касалликларни олдини олиш чоралари бўйича мактаб хамшираси билан тарғибот ишларини олиб бориш;
- спорт машғулотлари, тўгаракларига тенгдошларини жалб этиб, уларга “Соғлом турмуш тарзи” ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш;
- ўсмирлик давридаги ўзгаришлар ва қандай ҳолатларда шифокорларга мурожаат қилиши керак?

8 – 9 синфларда:

- зарарли одатлар (тамаки, спиртли ичимликлар, наркотиклар) инсон соғлиғига салбий таъсири ҳақида тарғибот ишлари олиб бориш;
- “Оиланинг саришталиги – барака мезони” мавзусида иншолар танловини уюштириш;
- кийиниш, овқатлани ва муомала маданияти тўғрисида ролли ўйинлар уюштириш;
- умумий ўрта таълимнинг мажбурий эканлиги ҳақида тизимли тадбирлар режасини тузиб, ижросини амалга ошириш.

Демак, оила ва маҳалла ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақловчи, миллий қадриятларнинг ривожини таъминловчи, маънавий ва жисмонан баркамол авлодни дунёга келтириб тарбияловчи муқаддас маконлардир. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида, ҳаётда ўз ўрнини топиши, эл-юрт ичида иззат-ҳурматга эга бўлиши, юксак одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этишида у яшаб турган оила ва маҳалла – асосий пойдевордир. Бу пойдеворнинг мустаҳкамлиги оилавий анъаналарнинг бардавомлиги, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигини таъминлаши, ота-оналар ва кекса авлоднинг жамиятдаги ҳалол меҳнати, оила ва турмуш доирасидаги шахсий ўрнаки, зурриётларга берадиган оқилона ўғитлар, чексиз ва самимий ғамхўрлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усуллари таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усуллари самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 357-363.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республики Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In Наука сегодня: теория и практика (pp. 29-32).
5. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 398-402.
6. Хамракулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 2361-2366.

7. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(4), 1142-1146.
8. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 1994-1999.
9. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари. Scientific progress, 3(1), 328-334.
10. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. Scientific progress, 2(7), 586-592.
11. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИАТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 140-146.
12. Ханкельдиев, Ш. Х., & Саидахматов, А. В. (2021). Инновационные подходы к повышению уровня специальной физической подготовленности юных таэквондистов. Наука сегодня: история и современность [Текст]: материалы, 40.
13. Ханкельдиев, Ш. Х., & Султанова, Н. Я. (2021). Физическое развитие учащихся девушек среднего школьного возраста общеобразовательных школ. In НАУКА СЕГОДНЯ: ЗАДАЧИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ (pp. 74-75).
14. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.
15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.
17. Бахтиёрович, Ҳ. Ж. (2022, August). ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. In E Conference Zone (pp. 13-16).
18. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
19. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
20. Хайдаров, Х., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).

21. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ (pp. 49-51).
22. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.